

# Qishloq hayoti

2010 йил Барқамол авлод йили

ISSN 2010-7021 O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2010-YIL 8-YANVAR, JUMA, 4 (7621) - son 1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan Bahosi kelishilgan narxda.



Инсон манфаатларини муҳофаза қилиш, ҳаётини асраш масаласи юртимизда доимий эътиборда. Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш юзасидан амалга оширилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар, ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини мунтазам тақомиллаштириш шу мақсадга хизмат қилмоқда.



Қиш мавсуми учун ғамланган ноз-неъматлар Қариш шаҳридаги Ерқўрғон озиқ-овқат деҳқон бозори, шунингдек, янгидан барпо этилган деҳқон бозорига етказиб берилмоқда. "Бешкент мева-сабзавот-тайёрловчи" шўъба корхонасига тегишли бу етказиш нўқталари муттасил равишда ноз-неъматлар билан таъминланмоқда. Савдо-сотиқ асосан пластик қарточкада ташкил этилган.



Бола ёшига мос келадиган мультипликацион ва бадий фильмларни кўриши мақсадга мувофиқдир. Болаларнинг бўш вақтига мазмун бағишлайдиган, уларни қизиқтирадиган ва эътиборини қозонадиган кўрсатув, бадий ва мультипликацион фильмлар санокди экани бу борада муайян бўшлиқ пайдо бўлишига олиб келди.

## ҲАР ТОМЧИСИДА ҲАЁТ НАФАСИ

Тоza ичимлик суви таъминотини яхшилаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва халқимиз турмуш даражасини янада юксалтириш мақсадида ҳаётга татбиқ этилаётган "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори ҳамда чет эл инвестиция маблағлари ҳисобидан жойларда суви таъминотини яхшилаш юзасидан қабул қилинган ҳужжатлар асосида мазкур йўналишда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

### Ислохотлар — инсон учун

Аҳолини обиҳаёт билан таъминлаш, минтақалараро суви қувурлари фаолиятини мувофиқлаштириш, улардан самарали фойдаланиш масъулият билан ёндашуви талаб этади. Суви ресурсларидан тегишли тартиб-қоидаларга риоя этган ҳолда фойдаланиш, тизимдаги асбоб-ускуналарни таъмирлаш ҳамда суви иншоотларининг ишончли ва барқарор ишлашини таъминлаш масалалари "Ўзкоммунхизмат" агентлиги фаолиятининг асосий йўналишларидан. Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ягона техникавий сисёат ўтказиш, коммунал тармоқлар ва корхоналарни ривожлантириш, техник қайта жиҳозлаш ва модернизациялашга инвестицияларни жалб этишга кўмаклашиш, суви ва иссиқлик энергиясини ҳисоблагичлар ва назррат асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш борасида агентлик томонидан аниқ тадбирлар кўрилкоқда.

— Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда "Сувоқова" ишлаб чиқариш корхоналари изчил фаолият юритмоқда, — дейди "Ўзкоммунхизмат" агентлигининг минтақалараро суви қувурлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Тоҳир Ҳайдаров. — Улар кунига 3 миллион куб метрдан ортиқ тоза ичимлик сувини аҳоли ва корхоналарга етказиб бермоқда. Бугунги кунда 200 дан ортиқ шаҳар ва туман маркази, шаҳар типидagi посёлка ҳамда 9 мингдан зиёд қишлоқ аҳоли пункти марказлашган тоза ичимлик суви билан таъминланган.

Ичимлик сувини тозалаш мураккаб жараён бўлиб, уч босқичда амалга оширилади. Насослар орқали дарёдан олинган суви тиндирилиб, тозаланади ва истеъмолчиларга тарқатилади.

Айни пайтда истеъмолчиларга ичимлик сувини етказиб беришда янги суви тармоқлари тизимини қуриш, мавжудларини таъмирлаш ва теҳамли технологиялар билан жиҳозлаш чоралари кўрилкоқда. Жумладан, Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидаги Хўжалик минтақалараро суви қувурларидан фойдаланиш бошқармасига қарашли суви иншооти қайта таъмирланиб, теҳамкор насослар ўрнатилди. Бу эса Олтинсой, Бандихон, Ангор, Шеробод, Қизилқум, Қумқўрғон туманлари аҳолисига тоза ичимлик суви етказиб беришда қўл келмоқда.

Соҳага янги технологияларни жалб қилиш билан бирга мавжуд суви иншоотларини, қувурларни таъмирлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жиззах вилояти "Янги Бўстон" маҳалла фақаролар йиғини ҳудудидаги 2,77 километрли суви қувурлари реконструкция қилинди. Навоий вилоятининг Қалъаназион қишлоғидаги 1,4 километр, Тошрабат қишлоғидаги 1,5 километр узунликдаги ичимлик суви тармоқлари таъмирланиб, ичимлик суви таъминоти янада яхшиланди.

(Давоми 2-саҳифада)

## 14-январь — Ватан ҳимоячилари куни



## УЛАР МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ ТИМСОЛИДИР

Ватанимиз таъчилигини, осудалигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш Ватан ҳимоячиларининг шарафли, муқаддас бурчидир. Президентимиз раҳнамолигида Қуролли Қучларимизда олиб борилаётган ислохотлар натижаси армиямиздаги ахлоқий-руҳий, маънавий муҳитнинг янгиланишида намоён бўлмоқда. Таъқидлаш жоизки, юрт посмонларини тарбиялаш, уларда Ватанга хизмат қилишдек муқаддас туйғуни шакллантириш жараёнига алоҳида эътибор қаратилаётир. Бугун тақдирини Ватан ҳимоясига бағишлаган посмонларимиз тимсолида мардлик, жасорат, шажоатни кўралик.

## «Қишлоқ ҳаёти» ва муштарий

### Муаммо ҳал этилди

Тахририятимизга Самарқанд вилоятининг Тайлоқ шаҳарчаси Юкоритайлоқ маҳалласида жойлашган савдо-ишлаб чиқариш шохобчаси раҳбари Акрам Аҳтамов мактуб йўллаб, унда тадбиркор шохобчада яхна ичимликлар савдосини йўлга қўйиш мақсадида 2009 йилнинг август ойи бошида "Микрокредитбанк"нинг Тайлоқ минибўлимига 10.000.000 (ўн миллион) сўм кредит ажратилишини сўраб ёзма равишда муурожаат қилган, бироқ амалдаги қонунлар бўйича барча ҳужжатларни расмийлаштириб тақдим лантириш учун 2009 йилнинг 24 декабрида 10 миллион сўм кредит берилганлигидан гоғат хурсанд бўлдим.

Ушбу муаммонинг ижобий ҳал бўлишида менга мадад қўлини чўзган тахририят ходимларига, газетанинг Самарқанд вилояти бўйича ўз муҳбирига, "Микрокредитбанк" ходимларига миннатдорчилик билдираман, сизларнинг келгуси фаолиятингизга муваффақиятлар тилайман.

Акрам АХТАМОВ, тайлоқлик яқка тартибдаги тадбиркор.

### Сургарё Вилояти

#### Янги йилда янги бино

Байрам кунлари Оқолтин тумани хотин-қизлари яна бир ғамхўрликнинг шохиди бўлишди: тиббиёт бирлашмасининг қайта таъмирланган, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган туғруқхона бўлими биноси фойдаланишга топширилди.

Қирқ ўринли мажмуада она ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Уни таъмирлаш, қайта жиҳозлаш ишларига 220 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Қисқа вақтда тиббиёт мажмуининг эски биноси ўрнида замонавий, кўркем шифохона барпо этилди. Энг муҳими, хотин-қизлар қўшни туман ва Гулистон шаҳар шифохоналарига қатнашдан халос бўлишди.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ

### Хоразм Вилояти

#### Шавкат Оллоёров кўнглида яхши ният пайдо бўлди. Эътиборсиз ётган майдон ва сой бўйида кишилар дам оладиган, овқатланадиган жой қуриш мумкин экан, деб ўйлади у. Муҳими, майдоннинг уч томони дов-дараклар билан ўралган, туман марказига яқин, маҳалланинг қоқ ўртаси. Сал нарироқдан эса катта йўл ўтган. Хуллас, қулай жой.

### ГУРЛАННИНГ ГЎЗАЛ ГУЗАРИ

Шавкат режасини оила аъзолари билан кенгашиб, таклифини туман мутасаддиларига билдирди. Шу тариқа биноийдек гузар бунёд қилинди. Дастлаб канцелярия, озиқ-овқат махсулотлари, хўжалик товарлари билан савдо қиладиган дўконлар, турли хилдаги печеньелар, музқаймоқ, ҳар хил тортлар тайёрлаш, нон ёпиш ва макарон ишлаб чиқариш цехлари ишга туширилди. Суратхона, сартарошхона, компьютер хоналари кишиларга хизмат кўрсата бошлади.

**Qishloq hayoti**  
Қишлоқ ҳаёти

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Агроекономика комплекс таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

### Тошкент Вилояти

#### ЁШЛАРГА МУНОСИБ СОВФА

Янги йил байрами шодиёналари давом этаётган айни кунларда Тошкент вилоятининг Зангиота туманида ўқувчилар иходиёт маркази фойдаланишга топширилди.

Президент Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлод камолотини таъминлаш, истеъдодли ёшларни аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда мамлакатимизда бир қатор нуфузли мукофотлар таъсис этилган, турли кўрик-танловлар, спорт мусобақалари ўтказиб келинаётир, иходиёт ва ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилган.

Барқамол авлод йилининг илк кунларида фойдаланишга топширилган ушбу маскан ҳам зангиоталик ёшлар учун муносиб совға бўлди. Иходиёт марказида йигирмадан ортиқ тўғрақ фаолияти йўлга қўйилди. Бу ерда 300 нафар ўқувчи мактабдан бўш пайтларида компьютер саводхонлиги, ёшқ уймақорлиги, бичиш-тикиш,

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва суви хўжалиги вазирлиги, "Ергеодезкадастр", Табиати муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмахсулот", "Ўзкимёсанот", "Ўзгросуғурта", "Ўзвизносаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқхўжаликмашизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ер-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзгросмашсервис", "Ўзгўштусаноат" уюшмалари, "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агроекономика ходимлари касабга уюшмаси

Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

**Куннинг муҳим воқеалари**

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи 3-цеҳининг насос ва компрессорлар машинисти Олимжон Сафарова Қоровулбозор шаҳрида қурилган янги ўй қалити топширилди. Корхонада меҳнат қилаётган яна 26 ишчи-хизматчи ҳам завод ҳисобидан барпо этилган ана шундай замонавий турар-жой билан таъминланди.

Наманган вилоятидаги "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясига қарашли "Ўзэлектротерм" очик акциядорлик жамиятида трансформатор ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилади. Янги йилининг дастлабки кунларида вагонлар учун беш турдаги ток ўтказгич ва улаш қурилмалари ишлаб чиқариш йўлига қўйилди. Натижада 25 киши доимий иш билан таъминланди.

Самарқанд туманидаги "Стеклопластик" масъулияти чекланган жамиятида тиббиёт муассасаларининг реанимация бўлими учун автомат тарзда ишлайдиган қаравотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

# Ўғилларим офицер бўлишини истайман

Мамлакатимизда 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни сифатида кенг нишонланади. Байрам арафасида ЎЗА мухбири бир қатор ҳамюртларимиз билан суҳбатлашди.

**Бахтиёр ЖУРАЕВ, Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти тарбиявий ишлари ташкил этиш кафедраси катта ўқитувчиси, подполковник:**

— Ҳарбий либос кийиб, армия сафида хизмат қилиш болалик орзуми эди. Сабр ва масъулият талаб қиладиган бундай шарафли касбни эгаллаш учун олий ҳарбий билим юртида тахсил олдим. Интилиш ва изланишларим самарасида ниятимга етдим — офицер бўлдим.

Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида ёш ҳарбийларга юртимиз сарҳадларини ҳимоя қилиш бўйича сабоқ бераман. Мақсадим — она Ватанимизга фидокорона хизмат қиладиган, унинг манфаатлари ва сарҳадларини ҳимоя этишга қатъий, шижоатли ва жасур, юксак интеллектуал салоҳиятга эга етуқ кадрлар тайёрлашга ўз ҳиссамни қўшиш.

Мамлакатимизда ҳарбий қўшинларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни барча замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг ихтиомий ва маънавий, турар-жой шaroитларини янада яхшилаш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар мазкур соҳа ривожига қаратилаётган улкан эътибордан далolatдир. Биз, ҳарбийлар яратилган ана шундай имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда соҳа тараққиётига ўз ҳиссамизни қўшимиз даркор.

Икки ўғлим бор. Улар ҳам келгусида мен каби офицер бўлишни, Ватанимизга, халқимизга садоқат билан хизмат қилишини истайман.

**Саида ТОШТЕМИРОВА, уй бекаси:**

— Менинг уч ўғлим бор. Оиламизда ҳар йили Ватан ҳимоячилари куни ўзгача шукҳ билан нишонланади. Зотан, 14 январь нафақат ҳарбий хизматчиларнинг, балки Ватан олдидаги бурчини адо этишга, она юрти шарафини ҳимоя қилишга шай барча ҳамюртларининг байрамидир. Шу куни мен фарзандларим ва турмуш ўртоғимни байрам билан самимий қўлаб, байрамона дастурхон тузашга одатланганман.

Катта ўғлим сафарбарлик чакриви резерви хизматини, иккинчиси эса мuddатли ҳарбий хизматни ўтаган. Кичик ўғлим ҳам акалари сингари армияга бориб, ҳарбий хизматни ўташни орзу қилади. Бу менинг ҳам орзум. Чунки ҳарбий хизмат ҳар қандай йигитни мард, шижоаткор, сабр-тоқатли, энг асосий, эл-юрт равнақиға камарбаста инсон этиб тарбиялайди. Йигитларнинг сараси ҳарбий либос кияди, деб беҳиз айтишмайди.

**Одил БЕРДИЕВ, захирадаги аскар, талаба:**

— Тошкент вилоятида бир йил давомида мuddатли ҳарбий хизматни ўтадим. Хизмат асосида армиямиз кечаги ўсмирни катъиятли, ўзига ишонган, масъулиятни ҳис қила оладиган йигит этиб тарбиялашга амин бўлдим. Ватанимни ҳимоя қилишни, ота-онамни қадрига эътибор қилишни, энг қувонарлиси, давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 31 октябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари сафида мuddатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳар-



Чарчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти фаолиятдан ташқари. Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

бий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан жорий этилган имтиёздан фойдаланиш шарафига муяссар бўлдим. Мuddатли ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаганим учун ҳарбий қисимимиз қўмондонлигининг тегишли тавсияномасини олиб, ўзим орзу қилган олий ўқув юрти — Тошкент автомобиль йўллари институтига ўқишга кирдим.

Аваллари юртдошларимиз икки-уч йиллик мажбурий ҳарбий хизматни ўташ учун Ўзбекистонимиздан узоқ ўлкаларга юборилар эди. Жумладан, отам ҳарбий хизматни Европада ўтаган. Мамлакатимиз истиклолга эришган, миллий армиямиз шаклланди ҳамда бу борада жуда катта кулайликлар ва имтиёзлар яратилди. Йигитларимиз Қуролли Қучларимиз сафида жисмоний ва маънавий камол топиб, Ватанга муҳаббат ва эл-юрт ҳимоясига шай туриш руҳида тарбияланди.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, юртимизда ҳарбий бурчини адо этиш учун барча шарт-шaroит мавжуд. Жумладан, ётоқхоналар озода, таомлари тотли. Ҳарбий сабоқларни кунт билан ўрганиш, спорт билан шуғулланиш учун барча имкониятлар бор. Буларнинг бар-

часи мамлакатимиз мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш, ёш авлод камолоти йўлида қўрсатилаётган доимий гамхўрликнинг амалдаги самараларидир.

**Маъруф ОЛИМОВ, Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсанти:**

— Офицерлик касбини эгаллаётганимдан мақсадим — мамлакатимизда қарор топган тинчлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш, Президентимиз ва халқимизга содиқ фарзанд бўлиб хизмат қилиш. Зеро, ҳарбий бўлиш, Ватанин ҳимоя қилишга ҳисса қўшиш йигит учун улкан шарафдир. Бу касбга менда болалигимдан қўл қўйганман. Ота-онам ҳам мени қўлаб-қувватлади.

Мамлакатимизда ҳарбий соҳани ривожлантиришга, ҳарбий хизматчиларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганда. Бу биз, ҳарбийларга янада катта кўч-ғайрат бағишлайди. Юртимизда 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунининг кенг нишонланиши ҳарбийларга қаратилаётган улкан эътибордан далolatдир. Билим юртимизда ҳам ушбу байрам ҳар йили катта тантана билан нишонланади.

**ЎЗА мухбири Ирода УМАРОВА суҳбатлашди.**

Жиззах Вилояти

Ватан ҳимоячиси бўлишга аҳд қилган, умрини шу касбга болаган фарзандни тарбиялаш, уларнинг камолотиға ҳисса қўшиш ота-она учун олий шараф. Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти метеорология хизмати бошлиғи — аэродинамика ва ҳаво навигацияси кафедраси катта ўқитувчиси, офицер Олимжон Худоберов мана шундай инсонлардан.

## ЮРТГА ҚАЛҚОН ЎҒЛОНЛАР

Уларга сабоқ бераётган устозларнинг фаолияти ҳам фидойилик

— Назаримда, ўқитувчилар нотиклар сингари ўз тингловчиларидан маънавий кўч оладилар, — дейди устоз. — Машгулот мен учун янги маълумотларни етказиш ва айни пайтда курсантлар эҳди ва қизиқишлари, иқтидоридан таъсирланиш жараёнидир. Шунинг учун ҳам ҳар бир ўтилган машгулот табиий равишда жисмоний толиқишга сабаб бўлса, курсантларнинг чақаб турган, билим олишга қучли иштиёқ акс этган нигоҳлари инсонни тўлқинлантиради.

Олий ҳарбий билим юртимизда тахсил олаётган курсантларнинг билим даражаси юқорилиги, биз педагогларни, албатта, қувонтиради. Қизиқувчан ва дунёқараши теран ёшлар билан ўқитиладиган машгулотларда бу борада турли замонавий усулдан фойдаланилади. Зеро, ўқитувчи замон билан ҳамнафас ва ҳатто ундан бир қадам олдинда юрвчи шахс бўлиши керак.

Ўқитувчилик машаққатини чуқур ҳис қилган офицернинг авиация соҳасига доир қатор ўқув қўланмаларга ҳаммуаллифлик қилгани, илмий мақолаларини турли журналларда чоп этгани, илмий-услубий ва илмий-амалий анжуманларда маърузалари билан иштирок қилиши ёш ўқитувчилар учун ибратдир. Масалан, "Авиация метеорологияси" ўқув қўланмаси унинг илмий изланишлари самараси бўлиб, дарслик учувчи ва штурманлар, парвозни бошқарувчи ҳамда авиация соҳасининг бошқа мутахассислари учун мўлжалланган.

Маълумки, метеорология — ер атмосфераси ва унда содир бўладиган физик жараёнларни ўрганадиган фан бўлиб, соҳа мутахассислари об-ҳавони олдиндан айтишда асосий ҳаво температураси, босими, намлиги, шамол кучи ва йўналиши, булут, ёғин тури ва миқдори, туман, тиниқлик, сув ва тупроқ температураси, қўёш радиацияси, Ер ва атмосферанинг иссиқлик нурланиши, қор қатлами ва бошқа маълумотлардан фойдаланадилар. Шундай экан, авиация соҳаси мутахассислари метеорологиянинг тармоғи саналмиш авиация метеорологиясидан хабардор бўлишлари лозим.

Жонқуяр ўқитувчи Олимжон Худоберовнинг кўп йиллик фидокорона меҳнатлари инobatта олиниб, Юртбошимизнинг Фармонига биноан юксак мукофот билан тақдирланган.

**Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ**

Қашқадарё Вилояти

## «НАСЛ ХИЗМАТ»НИНГ АСЛ ХИЗМАТИ

Қашқадарё вилояти "Насл хизмат" МЧЖга Янги йил байрами арафасида Украинанинг Днепрпетровск вилоятидан 200 бош насли қорамол келтирилди.



Чорвачиликни ривожлантиришда наслчиликнинг аҳамияти катта. Шу боис жамият ўтган йил давомида вилоятга хорихдан 1123 бош насли қорамолларни келтирди. Уларнинг миң боши "Шўртан-нефтяз" унитар шўба қорхонаси томонидан сотилиб олинди. Вилоятдаги 73 та фермер хўжалиқлари ҳам ушбу имкониятдан баҳраманд бўлди.

— Яқинда олиб келинган 200 бош "Қизил ола", "Қизил қўл", "Қора ола" зотли қорамолларни ҳам

хамкорларимизга етказиб берамиз, — дейди "Насл хизмат" МЧЖ раиси Аҳад Шарипов. — Мақсадимиз иқлимимизга мос, зотли ва сермахсул қорамолларни кўпайтиришдир. Бу аҳолини сўт ва сўт маҳсулотлари билан таъминлашда кенг имкониятлар очиб беради.

**СУРАТДА:** "Насл хизмат" МЧЖ бошлиғи Аҳад Шарипов ва база мудири Алишер Жўраев. Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Фарғона Вилояти

Марғилон шаҳридаги Тонг турилик қорхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талаб катта. Мазкур қорхонада ипак қайта ишлаб, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилади. Маҳсулотлар сифати, бежиримлиги ва арзонлиги билан буортмачиларга манзур бўлмоқда.

## МАҲСУЛОТ ҲАЖМИ ОШИМОҚДА

— Марғилон адреслари қадимдан дунёга машхур. — дейди қорхона раҳбари Мухсинжон Қосимов. — Шу боис биз азалдан маънавий давом эттириш мақсадида мазкур қорхонани ташкил этганмиз. Замонавий технологиялар кўмағида ипак қайта ишламоқда. Ҳозир бу ерда хўнарамандларимиз атлас, адрас каби миллий матоларни юқори технологиялар ёрдамида тайёрламоқда.

Қорхонада саксон нафарга яқин киши иш билан таъминланган. Тошқоқ Охунбоев туманларида йигирмадан зиёд ҳунарами-қиз касаначи сифатида меҳнат қилмоқда. Қорхона маҳсулотлари хорижга экспорт қилинаётди.

**М.СУЛАЙМОНОВ, ЎЗА мухбири**

## ҲАР ТОМЧИСИДА ҲАЁТ НАФАСИ

(Боши 1-саҳифада)

Тизимдаги қорхоналар томонидан 2009 йилда қишлоқ аҳоли пунктларида ичимлик сув таъминоти объектларини қуриш ва реконструкция қилиш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди. Натижада беш юзга яқин қишлоқ аҳоли пунктида ичимлик сув таъминоти тикланди. Шунингдек, юздан ортиқ қишлоқда ичимлик сув тармоқлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Наманган вилоятининг "Шаҳанд" қишлоқ фуқаролар йўғини ҳудудидаги сув тармоғи улардан биридир.

Аҳолининг сув билан таъминланиш даражасини ошириш, шаҳарлар ва шаҳар типидagi барча аҳоли яшаш пунктларида канализация тизимларини реконструкция қилиш чораларини қўриш мақсадида юртимизда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилишнинг 2009-2020 йилларга мўлжалланган схемаси тайёрланди. Хўжкатга қўра, вилоятлардаги сув захиралари ва уларнинг сифати аниқланиб, мавжуд барча сув иншоотлари хатловдан ўтказилди.



Дастлаб бир неча вилоятнинг сув иншоотлари, қувурлари ва тармоқлари реконструкция қилинади ва янгилари қурилади. Хусусан, Андижон вилоятида бир кеча-кундузда 300 миң куб метр суви тозалаб берадиган сув иншооти таъмирланиши ва шу ҳажмдаги янги сув тозалаш иншооти қурилиши режалаштирилмоқда.

Сувдан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланиш ҳамда ҳудудларда сув таъминотини яхшилаш мақсадида амалга оширилаётган муҳим тадбирлардан яна бири соҳага янги технологияларнинг жалб қилинаётганидир. Янги сув иншоотлари ва тармоқларини қуриш, мавжудларини таъмирлаш учун хоржий инвестициялар жалб қилинмоқда.

Урганч шаҳрида қурилиш қуввати 100 миң куб метрдан иборат сув тозалаш иншооти фойдаланишга топширилиб, замонавий ва тежамли технологиялар билан жиҳозланди. Қорақалпоғистон Республикасида электр энергияни тежайдиган янги технологиянинг ишга туширилиши сув босими-ни меъёраштираш билан бирга электр энергияни тежашда жуда қўл келмоқда. Шунингдек, чет эл инвестицияси ҳисобига Қашқадарё, Навоий вилоятларида, Тошкент, Нукус, Урганч, Самарқанд, Бухоро, Гулистон, Жиззах ва Қарши шаҳарларида ҳам ичимлик сув таъминоти лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Ҳа, аҳолига ичимлик суви етказиб бериш катта меҳнат ва мурақаб жараёни талаб этади. Шу боис обихаётнинг ҳар томонидан тежамкорлик билан фойдаланишимиз сув таъминотининг янада яхшиланиши учун хизмат қилишини унутмайлик.

**Сайёра ШОЕВА, ЎЗА мухбири.**

Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги

## ҚОИДАГА АМАЛ ҚИЛИШ — ХАВФСИЗЛИК КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 декабрдаги фармойишига мувофиқ, мамлакатимизда 10 декабрда бошланган Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги давом этмоқда.

**Инсон манфаатларини муҳофаза қилиш, ҳаётини асраш масаласи юртимизда доимий эътиборда. Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш юзасидан амалга оширилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар, ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини мунтазам тақомиллаштириш шу мақсадга хизмат қилмоқда.**

Ҳайдовчиларнинг транспорт воситасини бошқариш пайтида тевефондан фойдаланишни тақиқлангани, конструкциясида хавфсизлик камарлари назарда тутилган транспорт воситалари ҳаракати чоғида ҳайдовчилар ва йўловчилар томонидан хавфсизлик камарларидан мажбурий фойдаланиш жорий этилгани ҳам йўлларда хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилаётди. Ишлаб чиқарувчи қорхона томонидан транспорт воситаси салонининг олди қисмига ўрнатилган теле ва видеомонитордан транспорт воситасини бошқариш пайтида фойдаланиш, шунингдек, транспорт воситаси салонининг олди қисмига ўзбошимчилик билан бундай воситаларни ўрнатиш тақиқланди.

Бундай чора-тадбирлар ҳайдовчиларнинг иш пайтида чалғи-маслигини таъминлаб, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Республикамиз ҳудудида янги нусхадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномалари ва талони, шунингдек, янги миллий давлат рақами белгилари жорий этилгани халқро андозаолар талабига тўла мос келади.

Мамлакатимизда йўлларнинг кенг ва раволигини таъминлаш юзасидан қўрилаётган чора-тадбирлар ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Йўл ҳаракати қоидаларига оид белги-лар ёрқинроқ акс эттирилмоқда. Бу фуқароларимизга яратилган қулайлик бўлиши билан бирга, уларнинг хавфсизлигини таъмин-

лашга хизмат қилмоқда. Ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари нафақат ҳайдовчилар, балки пиёдалар, айниқса, болалар ўртасида профилактик тадбирларни амалга ошириш, уларнинг соҳага оид билимини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият бермоқда. Ойлик доирасида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайди.

Йўл ҳаракати қоидаларини барча билиши ва унга амал қилиши талаб этилади. Шунинг учун давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари нафақат кўчаларда транспорт воситалари ва пиёдаларнинг хавфсизлик қоидаларига риоя этишини назорат қилади, балки ўқув муассасаларида, жамоат жойларида, маҳалла, қорхона ва ташкилотларда, хусусан, ҳайдовчилар орасида кенг қўламли тарғибот ишларини мунтазам олиб бормоқда.

Таълим муассасаларида фарзандларимизга йўл ҳаракати



қоидаларига оид илк сабоқлар берилаётгани бунинг далилидир. Болаларнинг қизиқишлари инобатта олинчи, ўрта таълим мактабларида "Ҳаракат хавфсизлиги ёш инспекторлари" клублари, "Ёш автотазоратчилар" гуруҳлари ташкил этилган. Шунингдек, "Диққат, болалар", "Таътил", "Диққат, пиёда", "Яшил чироқ" каби тадбирлар ёшларга йўл ҳаракати қоидаларини қизиқарли мисоллар билан тушунтиришда қўл келмоқда.

Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги доирасида пойтахтимизда транспорт ва пиёдалар, жумладан, болалар ҳаракати серкратов йўллар ва жойларни белгилаш, қўриқдан ўтказиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари қўрилди. Ҳайдовчи қоидалари хушёрликка қорловчи реклама воситалари ўрнатилди.

Аммо шунга қарамай, ҳаракат

Хабарлар

Наманган Вилояти

## ЗАМОНАВИЙ САЛОМАТЛИК МАСКАНИ

Янги йилнинг дастлабки кунларидан Наманган туманидаги Бешкапа қишлоғида замонавий қишлоқ врачлик пункти фойдаланиш бошлади. Бу қулайлик айни пайтда Олаҳмак, Овул, Урганчи маҳаллалари аҳолисининг ҳам узоғини яқин қилмоқда.

ҚВПда болаларни даволаш, физиотерапия, стоматология, аёллар тиббий маслаҳатхонаси, дорихона, лаборатория, эмлаш бўлимлари бугунги кун талаблари даражасида бунёд этилган. Айниқса, қундузги стационарнинг "Саломатлик-2" лойиҳаси бўйича энг сўнгги русумдаги тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган нафақат катталар, балки касбухона коллежи, мактаб, мактабгача таълим муассасалари жамоаларига намунали тиббий хизмат қўрсатишда қўл келади.

## «КАМОЛОТ ЁШЛАР БОҒИ» БУНЁД ЭТИЛМОҚДА

Наманган шаҳрида "Камолот ёшлар боғи" барпо этилмоқда. Қурилиш ишларида Чуст туманидаги 6-хўжалиқларaro механизациялашган кўча колоннанинг ишчи-хизматчилари камарбаста бўлиш-япти.

— Боғнинг умумий майдони 21,2 гектарни ташкил этади, — дейди кўча колонна бошлиғи Маъруфжон Назаров. — Айни кунларда 4,8 гектар майдонда қурилиш, ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Нозимжон Фаттохов, Муҳаммадjon Султонов, Баҳодир Баёзов каби қувурчилар ишнинг сифат ва самарасига катта эътибор қилишмоқда.

Қурилиш майдонида йигирмадан ортиқ техника ва механизмлар бир маромда ишлатилмоқда. Бунёдкорларнинг аҳди қатийи: улар Наврўз байрами арафасида ёшларга ушбу боғни туҳфа қилишмоқчи.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

Сургарё Вилояти

# ТИЛАКЛАР И ЖОБАТ БЎЛАДИ

**Курбонгул Мамадалиева ўттиз йилдирки, далада ишлади. Ўз бахтини деҳқончиликдан топганлардан. Умр йўлдоши Шарофиддин Мамадалиев билан ҳам хўжаликда пахтачилик ёшлар бригадасига етакчилик қилган йилларида танишиб, топшиганди. Дастлабки фаолиятини 30 гектар майдонда бошлаган фермер 2009 йилда экин майдонларини 600 гектарга етказди.**

оладиган замонавий шйпон, техника воситалари сақланадиган катта гараж — устакхона қад ростлади. Замонавий гаражни худуддагилар "фермер корпорацияси" деб ҳам аташади. Шундай дейишларига асос ҳам бор: галла ва пахтачиликни миллион-миллион сўм фойда билан яқунлаётган, "Фулом ота" фермер хўжалиги ёнида "Оқолтинлик миришкор", "Кони-гул-Кандаҳор" фермер хўжаликлари ташкил этган, умумий экин

Катта ер эгаси бўлиш бахтига осонликча эришгани йўқ. Бунгача у узок ва машаққатли ҳаёт йўлини босиб ўтди. 4-синфда ўқибтганида отасидан жудо бўлган Курбонгул онаси билан далага чиқиб кетмон тоқди, кези келганда экинга сув таради. Тиниб-тинчимас қизалоқ турмуш ташвишларидан чўчимай улғайди. Такдир тақозоси боис 1977 йилда уларнинг оиласи Сайхунободдан Оқолтин туманидаги Бобур номи хўжаликга қўчиб келишди. Бу ерда аввал чорвачилик фермасида соғувчи, кейинчалик пахтачилик бригадаси бошлиғи бўлиб ишлади. Истиклол кўплар қатори унга ҳам мулкдор бўлиш бахтини инъом этди.

дим-у, бироқ аввалига бироқ ўйланиб қолдим, — дейди у. Шўрлаб — кучдан қолаётган, боз устига, техника тақчил шароитда ишлаш осон эмасди. Уят ўлимдан қаттиқ, деб ўша йили дала бошига кўчиб бордик. Қўндалик ишларни назорат қилиш ҳам, арготехник тадбирларни бажариш ҳам далада осонроқ кечди. Энг муҳими, камчиликларни дала бошида ҳар кун тугатиш имконига эга бўлди. Биринчи йили давлатга галла, пахта сотиш шартнома режаларини ошириб бажардик. Дастлабки ютуқлар фермер хўжалиги аъзоларини янада самарали ишлашга руҳлантирди. Мулкдор, аввало, фойдани янги техника сотиб олиб, майдонларни кенгайтиришга йўналтирди. Шу тарзда дала бошида ишчилар дам

## Қишлоқ мулкдорлари

майдонини 600 гектарга етказган Курбонгул Мамадалиева 3 та "МТЗ-80" ва "ТТЗ-80-10" тракторлари ёнига 2 та "МХ" хайдов трактори, 2 та "Класс", 1 та "Нев Холланд" галла ўриш комбайнлари сотиб олди. Ўғиллари Зафар ва Сафаржонлар "Фулом ота", "Кони-гул-Кандаҳор" фермер хўжаликлари бошқараётган бўлса, унинг ўзи "Оқолтинлик миришкор" фермер хўжалигига эгаллик қилаётди. 2008 йилда она-бола фермерлар пахта ва галлачиликни 150 миллион сўм соф фойда билан яқун-

лашди. Яна 200 тоннадан ортиқ буғдойни ўз ихтиёрларида олиб қолишди. Ишчиларга, кам таъминланган оилаларга 100 тоннадан ортиқ дон тарқатишди.

Ишини ибратли томони шундаки, техника етарлиги боис ҳар йили фермерлик жамоалари шудгорлашдан олдин 200-300 тонналаб гўнгни далага сочиб чиқишади. Шудгорлашдан олдин яна майдонларни минерал ўғитга тўйинтиришади. Хайдов пайти берилган ўғит тупроқнинг унумдор қатламига чуқур сингиб вегетация даврида гўза ва галла яхши ривожланиши, ҳосилдорлик юқори бўлишини ҳам таъминлайди.

Чунинчи, "Оқолтинлик миришкор" фермер хўжалиги аъзолари 2009 йилда 55 гектар галла майдонидан режадаги 118 тонна ўрнига 300 тонна сара дон йиғиштириб олишди. Опанинг ўғиллари Зафар ва Сафарлар бошқараётган "Конигул-Кандаҳор", "Фулом ота" фермер хўжаликларида ҳам шартнома режаларини 160-170 фоизга урданди.

Уч фермерлик жамоасидаги 233 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан ўртача 27 центнердан

юқори навли хомашё териб топширилди. Дромд эса йилдагидан ҳам кўп бўлди. Иш биланга минг танга, деганларидек бу йил Курбонгул Мамадалиева кўлаб техникалари ёнига сомон тойлаш агрегатини сотиб олди ва шу мавсумнинг ўзида 10000 дона сомон тойлаб тумандаги фермер хўжаликларига сотиш эвазига мўмайгина даромад қилди.

Тиниб-тинчимас фермернинг хайрли ишлари фақат булардангина иборат эмас. У туман марказидаги қолипчи нон тайёрлаш цехини сотиб олиб, қайта таъмирлади. Ҳар йили пахта йиғим-терими пайтида ҳашарчиларга иссиқ нон етказиб бераётди.

Янги йилни ўзгача шоду хурамлик билан кутиб олган фермер киши кунларида ҳам асло тиниб билмайди. Текис уни чикан буғдой майсаларини бир бошидан кўздан кечириб чиқади. Сифатли шудгорлашиб, яқоб берилаётган майдонларга ўзгача синчковлик билан назар ташлайди. Тилаги, мақсади эса битта: юрт тинч бўлсин, деҳқон хандагию омборлари дон-дунга тўлсин. Яхши ният — ярим давлат, дейдилар. Зеро, ниятлар пок, ҳаракатлар фақат эъзулларга қаратилган экан, эргузулар албатта ихобат бўлгусидир.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**  
"Qishloq hayoti" мухбири.

# YETTI-YOLIMDAN BIR SHINGIL

## ЭЛЧИХОНАЛАР ЯНА ФАОЛИЯТДА

**Чоршанба кунини Яман махсус хизмати ходимлари "Ал-Қоида" террористик тўдасининг уч нафар маҳаллий жангарисини ҳибсга олишга муваффақ бўлди.**



Жиноятчилардан бири Муҳаммад ал-Хоник "Ал-Қоида"нинг Ямандаги тўдабоши ҳисобланади. Кейинги пайтда Ямандаги фарб-ликлар, айниқса, америкаликларга қарата тарқатилган таҳдид мурожаатлари муаллифи айнан у ҳисобланади. Бу таҳдидлар оқибатида 3 январь кунини АҚШ, Испания ва Буюк Британиянинг мамлакатдаги элчихоналари ўз ишини вақтинча тўхтатган эди. Яман расмийлари юзага келган нотинч вазиятга барҳам бериш мақсадида дарҳол террорчи жангариларга қарши кенг кўламли ҳарбий амалиётлар ўтказишга қарор қилди ва амалга оширди. Яман армиясининг анти-террористик амалиётлари натижа берди, кўп-рувчиларнинг бир нечта хилват қароргоҳлари йўқ қилинди. Муҳаммад ал-Хоникнинг Сана шаҳридан шимолдаги Райда кичик шаҳарчасидаги ҳарбий госпиталга тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилгани ва ўша ерда яшириниб ётгани ҳақидаги маълумот ҳам ўз тасдиғини топиб, террорчилар госпиталнинг ўзидаёқ ҳибсга олинди. 5-6 январь кунлари учта давлатнинг элчихонаси ўз ишини давом эттирди.

## КАШМИРДА НОТИНЧЛИК

**Ҳиндистон хавфсизлик хизмати ходимлари Жамму ва Кашмир вилоятлари маркази ҳисобланган Сринагар шаҳрида жойлашган меҳмонхонага ўрнашиб олган икки нафар террорист туфайли юзага келган портлаш хавфини барта-раф этиш учун бир кеча-кундуз вақт сарфладилар.**

Покистонда ин курган "Лашкари-тайба" террорчи жангарилар тўдасига мансуб бўлган террористларнинг иккови ҳам отиб ташланди. Уларни қўлга олиш учун амалга оширилган махсус амалиётлар меҳмонхонага ўт кетиши билан яқунланди. Икки нафар ҳарбий ва битта фуқаро ҳалок бўлди. Маълумки, Кашмир Покистон ва Ҳиндистон ўртасидаги кўп йиллик можароларга сабаб бўлиб келаётган вилоят ҳисобланади. Унинг икки мамлакат ўртасида талаш экани оқибатида худудда кейинги йил давомида вақти-вақти билан ҳарбий тўқнашувлар ва террористик хуруқлар давом этиб келмоқда. Интернет манбалари асосида тайёрланди.



Тошкент Вилояти

**Юртимизда аҳолининг озик-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган озик-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, қишлоқ жойларда замонавий юқори унумли техника ва технология билан жиҳозланган қайта ишловчи ихчам корхоналарни жадал барпо этиш, шу асосда янги иш ўринлари яратиш ҳамда одамларнинг даромади ва фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Қашқадарё Вилояти

# Қиш дастурхонига сарҳил маҳсулотлар

**"Бешкент мева-сабзавот-тайёрловсаво" шўба корхонаси жамоаси эл дастурхонининг доимо тўкинлиги йўлида астойдил меҳнат қилишаётди. Қарши туманидаги Мустақиллик қўрғонидан жойлашган олти минг тонналик мева-сабзавот сақланадиган омборнинг ҳолати "Тайёрловсаво" шўба корхонаси жамоаси ўз ишига гоят масъулият билан ёндашганлигидан далолат бериб турибди.**

— Ушбу шўба корхона билан ҳамкорлигимиз самарали бўляпти, — дейди тумандаги "Ҳомит Хайдар ота" фермер хўжалиги раиси Анвар Хайдаров. — Ихтиёримиздаги омборни фойдаланишга бердик. Шунингдек, 20 миллион сўм сармоя ҳам киритдик. Натижа эса чакки эмас. "Тайёрловсаво" шўба корхонаси ўз фаолиятини тубдан такомиллаштиряпти.

Аҳил Жамоа бундан ташқари "Агробанк"нинг Бешкент бўлиmidан 30 миллион сўм кредит олди. 20 та

фермер хўжаликлари билан шартнома асосида иш ташкил этилиб, 50 тонна пивз, 100 тонна картошка, 90 тонна сабзи, 30 тонна ошқовок, 13 тонна узум ва 20 тонна полиз маҳсулотлари харид қилинди. Сурхондарё вилоятининг Узун туманидан 30 тонна хурмо келтирилди. 210 тонналик маҳсулот омборга тартиб билан жойлаштирилди. 2009-2010 йил қиш мавсуми учун галланган бу ноз-неъматлар Қарши шаҳридаги Еркирғон озик-овқат деҳқон бозори, шунингдек, янгидан барпо этил-



ган деҳқон бозорига етказиб берилмоқда. "Бешкент мева-сабзавот-тайёрловсаво" шўба корхонасига тегишли бу савдо нуқталари муттасил равишда ноз-неъматлар билан таъминланмоқда. Савдосотик асосан пластик қарточкада ташкил этилган. Бундан ташқари, 3 тонна гуруч, 2 тонна 700 килограмм нухат, 3 тонна кунжут ҳам савдога қўйилган.

— Мақсадимиз ички бозорни тўлдириш билан бирга нарх-наво барқарорлигини таъминлашдир, — дея суҳбатга қўшилди шўба корхона раиси Соҳиб Эргашев. — Айни пайтда жойларда савдо шохобчаларини ташкил этиш эвазига саккиз ишчи ўрни яратилди. Истиқболдаги режалар юксак. 2010 йилнинг иккинчи ярим йиллигида Қарши шаҳрида учта туман-

даги қишлоқларда ўнта савдо шохобчалари очилди. Шўба корхона экспорт имкониятлари ҳам ўрганилиб, дастлабки бизнес-режалар ҳам ишлаб чиқилди. 2010 йилда Туркияга 100 тонна мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари жўнатилади. Хитойдан 200 минг АҚШ долларига 20 хил турдаги мевани курилади-ган замонавий жиҳоз келтирилади. Бу билан 30 ишчи ўрни яратилади. Россиядан келтирилган совитқичда эса маҳсулотларни йил давомида сақлаш мумкин. Бунда нафақат туман ёки Қарши шаҳри, ҳатто вилоятни ноз-неъматлар билан таъминлаш имконияти яратилади.

**Хусан ТЕМИРОВ,**  
"Qishloq hayoti" мухбири.  
Муродулло КОМИЛОВ  
олган суратлар.

## ИМТИЁЗ ЭҲТИЁЖГА ЙўНАЛТИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги "Озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада олиб борилаётган ишларни янада жадаллаштиришни назарда тутди. Шунингдек, республикамизда изчил равишда тадбиркорлик ҳамда ишлаб чиқаришни кўллаб-қувватлашга қўлай ва кенг шaroитлар яратиш бўлиб келинаётганининг тасдиғидир.

Мазкур қарор ижроси юзасидан Бўстонлик туманида ҳам амалий чора-тадбирлар бажарилмоқда. Туманда ташкил этилган "Бўстонлик сўт" МЧЖ Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси фаолияти бунга мисол бўла олади. Ушбу қўшма корхона Бўстонлик тумани аҳолиси ва фермер хўжаликларида сўт хомашёсини сотиш олиб, 10 турдаги тайёр маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Маҳсулотлар асосан Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар аҳолисининг эҳтиёжларини таъминлаш учун етказиб берилмоқда. Қўшма корхонанинг 11 ойлик яқуни бўйича 1.789.895 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, юқоридаги қарорга асосан 62.600 минг сўмлик солиқ имтиёзи берилган. Ушбу имтиёз ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, ишчи-хизматчиларни рағбатлантириш ва иш шaroитларини яхшилашга йўналтирилмоқда.

**Улуғбек ҚУРБОНОВ,**  
Бўстонлик тумани  
Давлат солиқ  
инспекцияси бош  
инспектори.



# БУНЁДКОРЛИК — РИВОЖЛАНИШ НЕГИЗИ

**Истиклол йилларида мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим соҳа ҳисобланган қишлоқ хўжалигида амалга оширилган ислохотлар, ўзгаришлар, эришилган ютуқларнинг асосий омилларидан бири ҳуқуқий асос мустаҳкамлигидир. Президентимиз И.Каримов раҳнамоллигида доимо қишлоқ хўжалигига алоҳида эътибор қаратилиб, аграр соҳада бозор муносабатларини ривожлантиришга муҳим вазифа деб қаралмоқда.**

Шунинг учун ҳам аграр соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. «Мулкчилик тўғрисида», «Ер тўғрисида», «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида», «Фермер хўжаликлари тўғрисида», «Деҳқон хўжаликлари тўғрисида», «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида» ва бошқа қонунлар қабул қилинди. Асосий қонунимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг мулкдор бўлишлиги, хусусий мулкнинг бошқа мулк шакллари каби ҳақсизлиги кафолатланди. Ушбу қонунлар билан бир қаторда уларнинг амалиётда ўз ифодасини топишга қаратилган, қишлоқда бозор муносабатларини шакллантиришга, тадбиркорлик субъектларининг турли ташкилий-ҳуқуқий шакллари амалда бўлишини ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди.

Президентимизнинг таъбири билан айтганидан бўлсақ, "юртимизнинг янада обод, халқимиз ҳаётининг яна-

да фаровон бўлиши ва олдимизда турган юксак вазифаларини бажарилиши, ҳеч шубҳасиз, қишлоқларимизнинг тақдири ва келажаги билан боғлиқ эканини барчамиз яхши англаймиз". Утган йилнинг Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилиниши, қишлоқларимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг мантйқий давоми бўлди. Шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури қишлоқ ҳаётининг узок муддатли истиқболларини белгилаб берди. Мазкур дастурга асосан қишлоқларни ривожлантириш борасида талайгина ишлар амалга оширилди. Дастурда қишлоқ аҳлининг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилганини айтиб ўтиш жоиз.

Дастурга қўра, қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислохотларнинг чуқурлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, қишлоқ жойларда лойиҳалаштириш ва қурилиш тизимини тубдан такомиллаштиришга бағишланган қатор ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллашти-

риш юзасидан вазифалар белгиланган. Бу борада амалга оширилган ишлар кўлами эса ниҳоятда кенг бўлди.

Президентимизнинг «Уй-жой фондиди фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», «Девор-боп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ҳамда «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарорлари қабул қилинди.

Қарорга қўра, республиканинг барча минтақасида филиалига эга бўлган «Қишлоқ қурилиш инвест» иқтисодлаштирилган шўба инжиниринг компанияси ташкил этилди. Янги ташкил этилган «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки зиммасига истиқболда қишлоқ жойларда амалга оширилаётган кенг кўламли ишларни молиялаштириш, хизмат кўрсатиш оқлатилди. Халқ тили билан айтганда, буюк келажак сари отланган истиқбол қаровини хайрли мақсадларни қўлаб дудил одимламоқда. Юрт тараққиёт эътиб, ҳаётимиз фаровонлашиб бораётганининг ўзи катта бахтимиздир.

**Хуршида БУРХОНХОДЖАЕВА,**  
Тошкент Давлат Юридик  
институтини "Хўжалик ҳуқуқи  
ва хўжалик процессуал  
ҳуқуқи" кафедраси доценти.

Бухоро Вилояти

**Давр билан ҳамнафас қадам ташлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнининг асосий мезонларидан бири. Шу маънода ўтган 2009 йил собиқ "Вилоят механика устакхонаси" деб аталган корхона тарихида ўзинга хос янгилаш даври бўлди.**

## ИШ СИФАТИ — ФАОЛИЯТ КЎЗГУСИ

Айни кунда "Бухосозтаъмирсервис" ишлаб чиқариш кооперативи номи билан иш юритаётган бу субъект тарихида икчам корхоналар, масъулияти чекланган жамиятлар ташкил этилди. Улар вилоятдаги мавжуд 9 та пахта тазалаш заводларида ускуналарни таъмирлаш, эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш, ишчи-ҳодимларни техник тайёрларидан ўтказиш каби юмушлар билан шуғулланишди.

Корхона тарихидаги "Бухпахтасаноаттаъмирсозлаш" масъулияти чекланган жамияти қисқа даврда мавжуд пахта тазалаш заводларида 105 миллион сўмлик, Андижон ва Наманган вилоятларидаги пахта тазалаш заводларида эса 25 миллион сўмлик хизмат кўрсатди. Мазкур рақамларнинг ўзинёқ корхона фаолиятига, иш сифатининг юқорилигига ва мутахассисларнинг малакасига юқубий баҳо беришга аригулик.

Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳи-

даврда 100 минг донадан ортиқ аррага қайта ишлов берилиб, ишчи ҳолатига келтирилди. Бу ерда бошқа эҳтиёт қисмлар ва деталларни ҳам қайта таъмирлашни йўлга қўйиш борасида иш олиб борилмоқда.

"Бухосозтаъмирсервис"га қарашли "Моддий-техника таъминот ЛЮКС" масъулияти чекланган жамиятида пахта тазалаш заводларида пахта тойлари учун ўров материаллари етказиб берилса, "Ўқув-сервис" шўба корхонасида эса "Бухоролпахтасаноат" худудий бирлашмаси ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси тизимидаги бошқа корхоналарнинг ишчи ҳодимлари қанб малакасини ошириш бўйича қайта ўқитиш борасида иш олиб борилди.

Энг асосийи, корхонада иқтисодий манфаатдорлик меҳнатга яраша бўлаётгани ютуқларга муҳим омил бўлмоқда. Тажрибали чилангар Ширин Шириновнинг таъкидлашича, корхона ҳодимларининг ўртача ойлик маоши 250-300 минг сўмни ташкил этмоқда. Эътироф этишга аригулик жийат эса корхона ўзининг сифатли ва тезкор хизмат кўрсатиши билан ўтган қисқа даврда бюртумчи корхоналарнинг ишончига қира олди.

**Моҳигул НАЗАРОВА,**  
Хамроз АЛИ.

# БОЛАЛАРДАГИ МАЪНАВИЙ ВА РУҲИЙ ЭҲТИЁЖ

### Уни таъминлашда катта ва кичик экраннинг масъулияти қай даражада?

Болалик пайтларимда ҳар оқшом радиода бериладиган "Бор экан-да йўқ экан..." эшитиришни жон қулоғим билан тинглардим. Ёқимли музикаий фон билан бошланадиган эртаклар нафақат мазмун-моҳияти, балки ифодали ва таъсирли ўқилиши билан ҳам кишини ўзига жалб қиларди. Эртакларда баён қилинадиган воқеалар ривожнинг ибратли жиҳати шунда эдики, ёш тинловчиларда ёмонликдан нафратланиш, яхши фозилат ва пок туйғуларга ҳавас қилиш ҳисси шаклланиб боришига хизмат қиларди. Дарвоқе, Арасту эртакларни ҳақиқатдан дарак берувчи ёлгонлардир деганида минг бора ҳақ эди. Чунки замонлар, қарашлар, маданиятлар алмашинса, одамлар феъл-атворидаги пост-баландликлар ҳамма замонда ҳам қузатилади.



Бир неча йил илгари Ўзбекистон телеканалларида "Оқшом эртаклари" кўрсатувини ташкил этилган эди. Унда бошловчи аввалига бирор бир эртакни ҳикоя қилиб берар, кейин эса мультимедия билан фильмдан лавҳа намойиш этиларди. Бироқ бу дастурни болажонлар кўнглидан жой олди, меҳрини қозонди, деб айтиш қийин. Балки, шу оғил унинг фаолияти тўхтатишига сабаб бўлгандир.

Баъзи мультисериаллар сюжетини болаликнинг ёшига номувофиқ воқеалар тизими асосида қурилган. Яъни мазкур асарларда болалар тарбияси учун номақбул кадрлар ҳам мавжудки, бу уларнинг тарбияси ва ҳулқ-атвориغا салбий таъсир кўрсатади.

Бола ёшига мос келадиган мультимедия қурилиши мақсадга мувофиқдир. Болаларнинг бундай вақтига мазмун бағишлайдиган, уларни қизиқтирадиган ва эътиборини қозонадиган кўрсатув, бадиий ва мультимедия қурилиши фильмлар санокли экани бу борада муайян бўшлиқ пайдо бўлишига олиб келди. Бу бўшлиқни ўз навбатида компьютер ўйинлари банд эта бошлади.

Болаларни айблаш, уларни "игромания"га чақинган сабабини четдан кидириш мутлақо нотўғри, менимча. Бунга катталар жавобгар. Аввало, баъзи ота-оналарнинг ўзлари ҳалқ оғзаки ижоди ва бадиий адабиёт намуналаридан тўла бехабар эмас. Билган эртакларини ҳам фарзандларига айтиб бериш вақт топилмайдими. Шунингдек, болаларни ўзига жалб қиладиган, тарбиявий аҳамиятга эга асарлар кам яратилди. Борлар ҳам йиғилмади. Борлар ҳам йиғилмади. Борлар ҳам йиғилмади.

олмапти. Чунки ҳозирги кунда ҳам асосан биз болалар пайтимида ўқиган эртаклар ва қиссалар қайта чоп этилмоқда.

"Ўзбекфильм" студиясида яратилган мультимедия қурилиши фильмлар санокли бадиий асос ва режиссура жиҳатидан таҳсинга лойиқ. Айниқса, Мавзур Маҳмудов, Нозим Тўлахўяев, Дмитрий Власов каби режиссёрлар яратган анимация асарлар болаларнинг дунёқарашини бойитиш билан бирга гоёвий, бадиий, шунингдек тарбиявий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Бу борада қимматли хазина бўлган ўзбек халқ эртакларидан бадиий асос сифатида фойдаланилган муваффақият гарови бўлган.

Шунингдек, афсонавий амийлӣ қаҳрамон Алпомис ҳақидаги мультимедия қурилиши фильм хусусида сўз юритилган бўлса, ушбу асар кичик ёшдаги болаларда халқимиз ўтмиши, қадимий урф-одатлари хусусида таъсирчан ўйғотиши, мардлик, ҳалоллик ва она Ватанга муҳаббат туйғуларини шакллантиришига ундашнинг алоҳида таъкидлаш жоиз. Болаларга аталган бадиий фильмлар борасидаги мавжуд камчиликлар анча сезиларли. Аввало, бундай фильмлар бармоқ билан санарли даражада. Кейинги йилларда болалар учун эртаклар асосида яратилган фильмларда танланган либослардан тортиб ижро борасида ҳам юзакилик, бақчанлик ва зўрма-зўраклик яққол кўзга ташланади. Эътиборни қаратиш керак бўлган яна бир жиҳат

борки, телеканалларнинг ҳеч бирида болалар уйкуга кетадиган вақт олтидан кўриши мумкин бўлган дастур йўқ. Айна бу пайтда сериаллар силсиласи бошланади, кичиктойлар ота-оналари раҳнамолигида уларни томоша қилиб ўтиришади.

— Телеэкранда "Рамаяна" видеофильми намойиш этилаётган вақтда қўшни маҳаллада турадиган болалардан бири молҳонанинг томига чиқиб: "Жаноби Рамга шарафлар бўлсин", деб пахта сакраган, — дейди ҳамкасбларимдан бири. — Ушунда оёғи синиб узоқ муддат даволанишига тўғри келган кичик ишқибознинг.

Болани греклар бўш хумга ўхшатади. Яъни нима билан тўлдирсанг, келажакда шунга эга бўласан. Қайси-қайси халқ фарзандини оқ қозоғга менгайди. Токи, унга ўзинг хоҳлаган битки-билан ўзасан. Ўзбекларда эса гўдаклар навниҳолга қийслагани: қайси томонга эгсанг, ўша ёққа қараб ўсади. Дарҳақиқат, фарзандларимизнинг қандай инсон бўлиб етишишлари ўз қўлимизда. Бунда эса болаларнинг дунёқарашини, қизиқишларини ва истейдодларини муҳим аҳамиятга эга. Кашф қилинишидан мингми йиллар аввал "ойнаи жаҳон" дея таърифланган телевидениенинг эса бу борадаги ўрни салмоқли даражада бўлиши лозим.

Бундан ташқари, кичиклар олдида болаларнинг ички дунёси, руҳиятини очиб берадиган, уларни чин инсонийлик ва ватанпарварлик руҳида камол топтиришга хизмат қиладиган асарларни яратиш вазифи турибди. Бунинг учун эса халқимизнинг юксак зақоси маҳсули бўлган нодир асарлар, мустақам тарихий илдизлар ва туганмас чашма янглиғ фольклор намуналари мавжудки, ана шундай мазмундор ва теран бадиий асосларга таяниб, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган кинокартиналар яратиш мумкин. Ана шунда болаларнинг маънавий, гоёвий-бадиий эҳтиёжларини таъминлаш борасидаги мажбуриятлар муайян даражада адо этилган бўлади.

Феруза ЭҒАМОВА



# СПОРТ

## "ГРАНАТКИН" ТУРНИРИДАГИ ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБА

**Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган Гранаткин хотира турнирида Марат Кабаев бошчилигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси дастлабки 3 очкога эга бўлди.**

### ФУТБОЛ

Беларуслик ёшлар билан бўлган ўйин вақтидаги ўйин жуда оғир кечди. Уйнинг 4-дақиқасида Беларус ёшлар терма жамоаси таркибидан ушбу ўрашувнинг энг яхши ўйинчиси деб топилган Аюбхон Гапаров ҳисобни тенглаштирди. Иккинчи бўлим терма жамоаси учун омадсиз бошланди. 55-дақиқада яна ўша Сарако ҳисобни 1:2 га етказди. Орадан 11-дақиқа ўтиб Бахриддинов зафар қучди ва мувозанат тенглаштирди. 74-дақиқада эса Кабаев шогирдлари матонат кўрсатиб, ғалаба тўпини киритишди. Халқимизнинг юксак зақоси маҳсули бўлган нодир асарлар, мустақам тарихий илдизлар ва туганмас чашма янглиғ фольклор намуналари мавжудки, ана шундай мазмундор ва теран бадиий асосларга таяниб, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган кинокартиналар яратиш мумкин. Ана шунда болаларнинг маънавий, гоёвий-бадиий эҳтиёжларини таъминлаш борасидаги мажбуриятлар муайян даражада адо этилган бўлади.

амиз Россия ёшлар терма жамоаси билан куч синашди. Уйнинг 2 та ҳужумчиси майдонга туширилди. Аммо улар қанчалик чиранишмасин, қўлаб-қувватлайдиганлар топилмади. Тезкор гол урволиб, ҳимояга чекиндики. Рақибнинг техник ва ҳудудий жиҳатдан устулчилигига қарамай, йигитларим ирода кучи эвазига



га иккинчи голни киритишди ва яна ҳимояга ўтишди! Кўп хато қилди. Футболда ким кам хато қилса, ўша ютади!

**Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийи Марат КАБАЕВ:** — Ушбу ўйинга бошлангич таркибини аниқлаш қийин кечди. Барибир Бельгия ёшлар терма жамоасига қарши ўйнаган таркибини туширишга қарор қилдим. Фақатгина марказда битта ўзгариш қилинди. Йигитларни ўйинга жиддий тайёрладим. Улар ҳам вазиятни тўғри тушуниб, жанговар ўйин кўрсатишди. Ўйин давомида ўйлаган нарсам амалга ошмас-я, деган аввалга йўқ эмасди. Шукри, қалбимизда қолган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди:

**Иккинчи тур**

Украина — Финляндия	1:0
Туркия — Озарбойжон	2:1
Бельгия — Россия	0:4



Дубл муайяни бўлган Аюбхон Гапаров Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси таркибидан энг яхши ўйинчи деб топилди.

## ОЛИЙ ЛИГАМИЗ — МДҲДА УЧИНЧИ, ОСИЁДА ТЎРТИНЧИ!

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) 2009 йил якунлари бўйича миллий чемпионатларнинг рейтингини эълон қилди.

Хабарингиз бўлса, мазкур ташкилот миллий чемпионатлар рейтингини бир йилда 2 марта эълон қилиб боради ва ушбу рейтингга кўра, Олий лигамиз ҳар сафар Осиеда юқори ўринларни эгаллаб келади. Ҳаттоки бир марта Осиенинг энг кучли миллий чемпионати, дея эътироф этилган. Янги эълон қилинган рейтинг жадалда чемпионатимиз умумий ҳисобда 33-ўринда қайд этилган. Бу натижа Осие мамлакатлари орасида Япония, Жанубий Корея, Саудия Арабистони

миллий чемпионатларидан сўнг, 4-кўрсаткичдир. МДҲда эса Украина (9) ва Россия (20) чемпионатларидан сўнг 3 ўринни эгаллади. Дунёнинг энг кучли чемпионати деб эса Англия премьер-лигаси тан олинди. Испания Ла лигаси иккинчи, Германия Бундеслигаси эса учинчи ўринда қайд этилган. Италия А серияси Бразилия чемпионатидан сўнг бешинчи ўриндан жой олган.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

### МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Аму-Буюр» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қишлоқдаги гидрогеология маълумотини эксклузив ҳудудда ишловларни тўлалигича қўриб фойдаланишига топшириш шартли билан шундай ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдолари ўтказилиши эълон қилади.

Т/р	Ишлот номи	Буюртмачини бошлангич нархи (ҚҚСсиз) минг сўм	Қурилиш муддати
<b>ЛОТ 1</b>			
Лот 1-1	"Бухоро вилояти, Олот туманидаги ҳўжаликлараро "Жанубий бирлаштирувчи" зовури тизимини таъмирлаш ва тиклаш"	341900,673	4 ой
Лот 1-2	"Бухоро вилояти, Ғиждувон туманидаги ҳўжаликлараро "Ғиждувон" зовури тизимини таъмирлаш ва тиклаш"	124549,38	4 ой
Лот 1-3	"Бухоро вилояти, Вобкент туманидаги ҳўжаликлараро "Рохкент" зовури тизимини таъмирлаш ва тиклаш"	176791,97	5 ой
Лот 1-4	"Бухоро вилояти, Қоровулбозор туманидаги ҳўжаликлараро "Тошқудук" зовури тизимини таъмирлаш ва тиклаш"	66438,86	3 ой

Қурилиш ишлари Республика бюджетни ҳисобдан молиялаштирилади. Савдо ташкилотчиси: Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази. Буюртмачи манзили: Бухоро шаҳри, Ширбуудин кўчаси, 4-муолиш. Тел: (8-365) 225-36-22, 225-36-33, факс: 225-42-32. Танлов савдо сифатида иштирок этаётган қорхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридида айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, ётарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш ишловларда ишлаганили тажрибасига ва кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳўқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим. Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинди: қонун ҳўжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинди. Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳўжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 5-уй, 18-хона. Тел: (8-365) 223-96-29, факс: 223-97-51. Танлов ҳўжатлари бир тўпламининг қиймати — 60000 сўм. Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридидаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш кўни ва соатиғача. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда берилгандан бошлаб 15 кундан кейин Бухоро вилояти ҳокимлигининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

П.Ф.Боровский номидаги Тошкент ш. медицина билим юрти (ҳозирда коллеж) томонидан 1984 йили Панаева Гульчехра Хамидовна номига берилган 3Т-1 № 896313 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент Давлат Аграр университети томонидан 1997 йили Джалолов Ибрагимов Эгамбердиевич номига берилган № 183771 рақамли (сиртки таълим факультети) диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. С.Раҳимов т. 16-мактаб томонидан 1994 йили Раҳматуллаева Дилфуза Анваровна номига берилган № 507044 рақамли 9-синфини тугатганили тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Юнусов т. рўйхатга олинган "ВУХ-ОСТ" (ИНН 200823584, ОКОНХ 92200) ҳусусий қорхонаси тугатилди. Тел.: 234-54-48, 317-31-74.

ООО "KOSMIKOR-GLOBAL" (ИНН 300569493), зарегирированное 19.09.2007 г. Мирабадском р-не г.Ташкента, ликвидировано. Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления. Тел.: 189-93-41.

# "ВОЛГА" АВТОМОБИЛЛАРИГА МАКСИМАЛ ЧЕТИРМА



Шунингдек, сотувда "ВАХТАВый" автомобиллари ҳам мавжуд.

**AVTODOM PLUS**  
"ГАЗ" РУСТИНИНГ РАСИЯ ДИЛЕРИ  
WWW.AUTO.UZ

Автосалон:  
Тошкент ш., Бунёдкор кўч. 118.  
Тел.: (99871) 140-41-21, 140-41-22.

Офис:  
Тошкент ш., 100015, Шаҳрисабз кўч. 16 "а"  
Тел./факс: (99871) 256-03-62, 256-13-01.

**Бош муҳаррир Чор ЛАТИПОВ**

**МУАССИСЛАР КЕНГАШИ**

Зафар РЎЗИЕВ, Фарход ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Раҳимберди БҮРИЕВ, Фуломжон ИБРАГИМОВ, Саид АРАБОВ, Саидамин САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Илҳом ХАЙДАРОВ, Наримон УМАРОВ, Абдураҳман БОЙМУРОДОВ, Муҳаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Садриддин РАСУЛОВ, Виктор ЧҮБ, Шухрат ТОШМУРОДОВ, Шухрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Шамсиддин ЭСОНБЕКОВ, Зайнуддин ОБИДОВ, Ҳақимжон УМАРХҲАЕВ.

**ТАХРИР ХАЙЪАТИ:**

Айтий АДИЛОВ, Гофир АЛИЕВ, Тўлабой КАРИМОВ, Шухрат ГАНИЕВ, Уктам БАРИНОВ, Утир РАҲМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жуманой ЖАБОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Омоулла ЮНУСОВ, Шерзод ФУЛОМОВ, Муриддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

236-58-83, 233-28-04.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

**МАНЗИЛИМИЗ:**

100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

**Навбатчи:** АҲАҚБЕРДИЕВ

**Мусоҳиҳ:** МУСАХИЖ

**С.КОДИРОВ**

**Дизайнер:** М.ШУКУРОВ

**E-mail:** info@qishloqhayoti.uz